

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди  
№ 410-з-Бб  
2016 йил

Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
Ўрта маҳсус таълим вазирининг  
2016 йил 6 “ажрий” даги  
134-сонли буйруғи билан



“Биотехнология (тармоқлар бўйича)”  
йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог  
кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг  
ўкув дастури

Тошкент – 2016

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТКТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ)  
МАРКАЗИ

*Қайта тайёрлаши ва малака ошириш курсининг ўқув дастури Олий ва  
ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишилари бўйича ўқув-услубий  
бирлашималар фаoliyatiini Muvofiqlashtiruvchi kengashinинг  
2016 ийл 26 маюн даги 2-сонли баённомаси билан  
маъқулланган*

Тузувчилар:

“Олий таълимнинг норматив хукукий асослари”  
модули: с.ф.д., проф.И.Эргашев, ю.ф.н., доц.  
В.Топилдиев.

“Илгор таълим технологиялари ва педагогик махорат”  
модули: п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов, п.ф.и.  
М.Т.Мирсолисева, ўқитувчи И.А.Эшмаматов, доц.  
Алимджанова Ж.И., доц. Канглиев Ш.Т. (ТКТИ).

“Таълим жараённида ахборот-коммуникация  
технологияларини кўллаш” модули: ф-м.ф.н., доц.  
Х.Холмедов, кат. ўқит. В. Хамидов, ўқитувчи  
Т.Шаймарданов, доц. Хабибуллаев Р.А. (ТКТИ).

“Амалий хорижий тил” модули: Ўзбекистондаги  
Британия Кенгашининг етакчи мутахассислари, кат.  
ўқит. У.Гиясова.

“Гизимли таҳлил ва карор кабул килиш асослари”  
модули: ф.ф.д., проф. Р.Самаров, п.с.ф.н. Х.М.Алимов,  
п.ф.н. Ф.Эсанбобоев, проф. Ортиков А.О. (ТКТИ).

Маҳсус фанлар бўйича: б.ф.н., проф. И.Абдурахмонов,  
б.ф.н., доцент Н.А.Хўжамишуров, б.ф.н., доцент  
Р.М.Артикова, б.ф.н., доцент Қобилов Ф.У., к.ф.д., проф.  
М.С.Тошмуҳамедов.

Даниянинг Коненгаген универсиети, Табиий фанлар  
факультети илмий ходими, Dr. Б.Хакимов

Хорижий эксперт:

Søren Balling Engelsen (Дания, Коненгаген универсиети,  
Табиий фанлар факультети лаборатория мудири)

Тақризчилар:

б.ф.д. З.С. Шакиров (ЎзР ФА Микробиология институти);  
т.ф.д., проф. К.О. Додаев (ТКТИ).

Ўқув дастури Тошкент кимё-технология институти Кенгашининг карори билан тасдикга  
тавсия килинган (2016 ийл \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ - сонли баённома).

## Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқкан холда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш хамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб бориши максад қиласди.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хукукий асослари ва конунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва карор қабул килиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқикотлар, технологик тараққиёт ва ўкув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуклар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усувларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига кўйиладиган умумий малака талаблари ва ўкув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўкув жараёнига кенг татбик этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш хисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўкув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил килиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал карорлар қабул килиш билан боғлик компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари хамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан холда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака хамда компетенцияларига кўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўкув дастури куйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

## **I. Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари**

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари.
- 1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик хужжатлари.

## **II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

- 2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.
- 2.2. Биотехнология фанларини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибалар.

## **III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш**

- 3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.
- 3.2. Биотехнология фанларини ўқитишда мультимедиа тизимлари ва масофаий таълим методлари.

## **IV. Амалий хорижий тил**

- 4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуслари.

## **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

- 5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари.
- 5.2. Муҳандислик технологиясида тизимли таҳлил асослари (биотехнология).

## **VI. Махсус фанлар**

- 6.1. Молекуляр биотехнология.
- 6.2. Саноат биотехнологияси.
- 6.3. Экологик биотехнология.

## **VII. Педагогик амалиёт**

## **VIII. Малакавий аттестация**

## **Курснинг максади ва вазифалари**

Олий таълим муасасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **максади** педагог кадрларнинг ўкув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўкув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг **вазифаларига** кўйидагилар киради:

- “Биотехнология (тармоклар бўйича)” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлусиз янгилаш ва ривожлантириши;
- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;
- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;
- маҳсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;
- “Биотехнология (тармоклар бўйича)” йўналишида ўкув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга каратилган фаoliyatни ташкил этиш.

## **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари хамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:**

“Олий таълимнинг норматив хукукий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва карор кабул килиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талабалар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги хамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Маҳсус фанлар бўйича тингловчилар кўйидаги янги билим, кўникма, малака хамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

### **Тингловчи:**

- биотехнология фанларини ўқитишда замонавий ёндашувлар, замонавий таълим ва инновацион технологияларга асосланган илғор хорижий тажрибалар: модулли-кредит тизими, case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методларни;
- замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий таълим технологияларини кўллашнинг педагогик-психологик ва методик шарт-шароитларини;

- биотехнология фанлари бўйича мультимедиа сценарийларини яратишнинг ўзига хослигини;
- соҳага оид оммавий онлайн очик курсларни;
- биотехнологияда тизимли тахлилнинг босқичларини;
- молекуляр биотехнология фанининг асосий категориялари, назарий ва амалий соҳаларда эришган ютуклари, муаммолари ва уларнинг ривожланиш истиқболларини;
- ген ва хужайра мухандислигининг усуллари ва қонуниятларини;
- биотехнологик тизимларни;
- молекуляр биотехнологиянинг фундаментал ва амалий жихатларини;
- саноат биотехнологиясида кўлланиладиган илмий ёндашувларини;
- микробиологик ишлаб чиқариш жараёнларнинг асосий босқичларини;
- асосий биологик фаол моддаларни микробиологик усулда олиш йўлларини;
- анъанавий микробиологик технологияларни, гени ўзгартирилган продуцентлар-микроорганизмлар, ўсимлик ва ҳайвон хужайралари асосида биотехнологик жараёнларни *билиши* керак.

**Тингловчи:**

- биотехнология фанлари бўйича модул блокларини тайёрлаш;
- биотехнология фанлари бўйича кейс-технологиясини ишлаб чикиш ва амалга ошириш;
- биотехнологияга оид фанлар бўйича мультимедиа сценарийларини яратиш;
- Moodle масофавий таълим тизими учун ўкув контентларини ишлаб чикиш;
- биотехнологияда моделлаштириш;
- биотехнологик жараёнларнинг динамик тахлилини амалга ошириш;
- олинган билимларни биокимё, молекуляр биология, саноат микробиологияси, биотехнология асослари каби умумбиологик фанларни ўрганишда кўллаш;
- оксилларни ўлчами структуралари ва уларни аниглаш методларини, оксил оиласарининг класификациясини, ферментлар ва полифермент тизимларни киёсий тахлил килиш;
- биотехнологик жараёнларнинг асосий босқичларини тавсифини, фойдали моддаларнинг биологик продуцентларини, саноат микробиологиясини тахлил килиш;
- жамланган билимларни биокимё, саноат микробиологияси, биотехнология асослари молекуляр биология каби умумбиологик фанларни ўрганиш *кўникмаларига* эга бўлиши лозим;

**Тингловчи:**

- биотехнология бўйича инновацион таълим технологияларини оқилона танлаб олиш;
- биотехнология билан боғлиқликда инновацион таълим технологияларини реал амалиёт билан уйғунлаштиришга эришиш;
- биотехнологияга оид мультимедиа сценарийларини ишлаб чикиш;
- биотехнологияга оид маълумотларни оммавий онлайн очик курсларидан излаб топиш ва ўрганиш;

- биотехнологияда тизимли таҳлилнинг учинчи боскичида оптимал ёчимни топиш;
- назарий билимлар ва амалий кўникмаларни педагогик фаолиятда кўллай олиш;
- биотехнологик жараёнларнинг турли соҳаларидан фойдалана олиш;
- фойдали моддаларнинг продуцентларини яратиш усулларини, уларнинг физиологик, биокимёвий хусусиятларини тадқиқ кила билиш;
- мақсадли маҳсулотларни олиш бўйича тажрибавий вазифаларни режалаштириш ва бажариш;
- биосинтезнинг шароитлари ва қонуниятларини ўрганиш, биологик жараёнларни оптималлаштириш *малакаларига* эга бўлиши зарур.

**Тингловчи:**

- тьютор, модератор, эдвайзер, супервизор ва фасилитаторлик фаолиятини самарали амалга ошириш;
- биотехнология соҳасига бўйича тингловчиларнинг изланишли-ижодий фаолиятга жалб этиш;
- биотехнология соҳасига оид мультимедиа материалларини таҳлил килиш ва баҳолаш;
- Moodle масофавий таълим тизими учун ишлаб чиқилган биотехнология соҳасига оид фанларнинг ўқув контентларини баҳолаш;
- биотехнология тизимларини таҳлил этиш ва карор қабул килиш;
- молекуляр биотехнология усулларидан амалиётда фойдаланиш;
- микробиологик ишлаб чиқаришларни амалиётда кўлланилишини таҳлил килиш;
- генларни ва геномларни сиквенслаш методидан, юқори маҳсулдор сиквенслаш технологиясидан амалиётда фойдаланиш;
- трансген ўсимликлар олиш ва ишлатиш принциплари ва биотехнологиянинг экологик муаммолари ёнимини топиш;
- фундаментал назарий билимларни микроб биотехнологияси соҳасидаги амалий вазифаларни ечишда лаборатория доирасида тадқиқотларни бажариш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

**Курснинг хажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси хафтасига 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлик ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффакиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнядаги ПФ-4732-сон Фармони З-илюваси билан тасдикланган давлат намунасидағи малака аттестати берилади.

**“Биотехнология (тармоқлар бўйича)” йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг мазмуни**

**I. Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари**

**1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари.**

Инсон онг ва тафаккурининг янгиланиши жамият ривожланишининг муҳим омили сифатида. Глобаллашув ва ижтимоий-маънавий хаётдаги ўзгаришлар тенденцияси ва истиқболлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон хаёт пировард мақсадимиз”, “Юксак маънавият - енгилмас куч, “Ўзбекистон мустакилликка эришиш остонасида”, “Мамлакатни модернизация килиш ва иктисолидигизни баркарор ривожлантириш йўлида”, “Ватанимизнинг боскичма-боскич ва баркарор ривожланишини таъминлаш - бизнинг олий мақсадимиз”, “Демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш - мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир”, “Она юртимиз баҳти икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат килиш - энг олий саодатdir” ва бошқа асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалаларининг ёритилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишлиган маърузаларида таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш билан боғлиқ вазифаларнинг белгиланиши.

**1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг конунчилик нормалари.**

Норматив-хуқуқий хужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-хуқуқий хужжатларнинг ишлаб чикиш ва амалга киритиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Конун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг боскичлари ва асосий йўналишлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юкори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори, 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон Фармони, 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чикиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон Қарори, 1998 йил

5 январдаги “Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўкув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул килиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сон Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хакида”ги 3-сон Қарори, 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириши ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сон қарори ва бошқалар.

Давлат таълим стандартлари, ўкув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйиладиган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талabalар билимини назорат килиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талabalарининг малакавий амалиёти тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустакил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура тўғрисида”ги Низом. “Очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом ва бошка меъёрий хужжатлар. Меъёрий-хуқуқий хужжатлар бўйича хорижий тажриба.

## **II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

### **2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.**

Олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари. Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари, инновацион жараёнларининг кечиш боскичлари. Педагогик технологиянинг таснифи, конуниятлари, тамойиллари ва мезонлари. Таълимтарбия жараёнини технологиялаштириш асослари.

Олий таълим муассасаларида ўкув жараёнини ташкил этишининг инновацион шакл, метод ва воситалари.

Шахса йўналтирилган таълим технологияларининг мазмuni, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш ва мустакил таълимни ташкил этиш асосидаги инновацион таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиш), case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар технологиялари, ассисмент методларидан ўкув-тарбия жараённида фойдаланиш. Ўкув

лойихаларини ишлаб чикиш, портфолиоларни шакллантириш ва амалиётга татбик этиш.

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагогнинг психологик, методик, информацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулокот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Нутқ техникаси ва маданияти. Аудиторияда шахслараро муносабатларни самарали ташкил этиш ва гурухни оптимал бошкариш. Педагогик низоларни самарали ҳал этиш йўллари. Замонавий педагог имиджи хамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Креативлик - педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентликни шакллантиришининг зарурӣ шартшароитлари, моделлари. Касбий фаoliyatda позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларининг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари. Таълимни ахборотлаштириш шаротида педагог кадрлар креатив имкониятларини баҳолаш мезони.

## 2.2. Биотехнология фанини ўқитишдаги илгор хорижий тажрибалар.

Хорижий мамлакатлар таълим тизими. Техник фанларни ўқитишда замонавий ёндашувлар. Биотехнологияга оид фанларни ўқитишда модулли таълимнинг моҳияти ва аҳамияти. ECTS кредитлари. Биотехнология соҳаси бўйича ECTS ўкув режаларига ўтиш методикаси. Соҳага оид фанлар бўйича кредитларни таҳсиллаш тамоиллари ва мезонлари. Биотехнологияга оид кредитларни таҳсиллаш тамоиллари ва мезонлари. Биотехнологияга оид фанларни ўқитишда илгор хорижий тажрибалар. Blended learning (аралаш фанларни ўқитишда илгор хорижий тажрибалар. Blended learning (аралаш фанларни ўқитиш), масофали ўқитиш, маҳорат дарслар, вебинар, эвристик методлар ва бошк. Таълимда тьютерлик, супервизорлик, фасилитаторлик ва модераторлик фаoliyatлари. Соҳа бўйича эдвайзерлик фаoliyatининг долзарблиги ва аҳамияти. Биотехнология фанларини ўқитишда кейс-стадини татбик килишнинг ўзига хослиги, долзарблиги ва педагогик шарт-шароитлари. Биотехнологияга оид таълим хизматларини кўрсатиш бўйича дунё бозори ва хорижий тажрибалар.

## III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

### 3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойихалаш.

Педагогик жараёнда ахборот-коммуникация ва интерактив технологияларидан фойдаланиш. Таълимий Интернет ресурслари ва улардан ўкув жараённида фойдаланиш. Интернет тармогининг асосий хизматлари. Zyonet.uz ва бошка таълим порталари ресурслари билан ишлаш. Интернет тармогида педагогларнинг, талабаларнинг электрон мулокот мухитида жамоа

бўлиб ишлаш шакллари. Блог, форум ва тематик чатларни ташкил этиш усуллари. Педагогнинг тармоқдаги хамкорлиги.

Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини ташкил этиш. Электрон портфолио тушунчаси, таркиби, мазмунни ва имкониятлари. Ахборот технологиялари воситасида педагогнинг электрон портфолиосини шакллантириш. Электрон ахборот-таълим мухитида педагогик жараённи лойихалаштириш. Moodle дастури асосида ўкув ресурсларини яратиш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш, амалий дастурий воситалар ёрдамида электрон дарсликлар, тренажерлар, виртуал лаборатория машгулотларини яратиш усуллари. Офис дастурларида электрон ўкув-методик материалларини яратиш усуллари (Microsoft Word, Excel, Power Point ва б.). Web 2.0/3.0 технологиялари ва уларнинг ёрдамида электрон дидактик материалларни яратиш ва ўкув-тарбия жараённида қўллаш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалар химоясини таъминлаш. Аутентификациялаш ёрдамида химоялаш. Химоялаш воситалари.

### **3.2. Биотехнология фанларини ўқитишида мультимедиа тизимлари ва масофавий таълим методлари**

Мультимедианинг дастурий таъминоти. Мультимедиа материалларини яратиш усуллари. Биотехнология фанлари бўйича мультимедиа сценарийларини яратишнинг ўзига хослиги. Анимациялар, виртуал стендларни ишлаб чиқиши PowerPoint, iSpring, MS Excel, Adobe Flash дастурлари имкониятларидан фойдаланиш.

Масофавий таълимни ташкил килиш усуллари. LMS тизимларининг таҳлили. Масофавий таълимни Moodle тизимида ташкил килиш, биотехнология фанлари бўйича ўкув контентларини шакллантириш ва бошқариш. Соҳага оид оммавий онлайн очик курслар.

## **IV. Амалий хорижий тил**

### **4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.**

Хорижий тилни ўқитиши ва ўрганишдаги ислохотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг талқини. Тил алока (коммуникация) воситаси сифатида ва тилга оид билим ва кўникмаларни шакллантириш усуллари. Тилни ўрганишда муваффакиятга эришиш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулокот мухити, мулокот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўникмалари даражасини баҳолаш ва бошк. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика-B1-B2 оралиғида). Тил ўрганишда ўқитувчи ва ўрганувчиларни роли. Тил ўрганиш учун зарур ўкув-аудио, методик ва онлайн ресурслар. Тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини билишнинг аҳамияти. Маданиятлараро мулокот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари хақида чет тилида гапира олиш).

Мулокот мавзулари: кундалик хаётга оид (шахсий маълумот, оила хақида маълумот, бўш вактни ўтказиш ва хоказо) ижтимоий хаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган мавзулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўкиш, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўкув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

#### V. Тизимли таҳлил ва карор қабул қилиш асослари

##### 5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва карорлар қабул қилиш технологиялари.

Тизимли таҳлил тушунчаси. Тизим ва тизимлар назарияси. Тизимли методология ва тизимли ёндашув. Тизимлар классификацияси. Тизим структураси. Тизимли таҳлилнинг мақсади ва вазифалари. Тизимли таҳлилдан педагогик фаолиятда фойдаланиш техникаси. Педагогик тизим ва унинг тузулиши. Педагогик вазиятларни тизимли таҳлилини амалга ошириш. Тизимли таҳлилни амалга оширишнинг асосий боскичлари. Тизимли таҳлилни амалга ошириш методлари. Тизимли таҳлил натижаларини манба шаклига келтириш технологияси.

Карор тушунчаси ва унинг асосий вазифалари. Карор турлари ва уни қабул қилиш усуллари. Карорларни тайёрлашга кўйиладиган талаблар. Карор вариантиларини тайёрлаш технологияси. Карор қабул қилиш жараёни ва педагог шахси. Карорларни қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар. Педагогик жараёнини бошқаришда карорлар (тезкор, тактик ва б.).

Карор натижаларини баҳолашнинг экспергли ва прогностик методлари. Карорлар самарадорлигини баҳолаш мезонлари. Қабул қилинган карорлар ижросини таъминлаш механизми.

##### 5.2. Мухандислик технологиясида тизимили таҳлил асослари (биотехнология).

Тизимли таҳлилнинг максад ва вазифалари. Тизимли таҳлил, математик моделлаштириш, карор қабул қилиш ҳакида. Тизим, жараён, кўрсатгичлари, масаланинг кўйилиши. Тизимли таҳлилнинг хозирги холати ҳакида

Тизимли таҳлилни амалга ошириш усуллари ҳакида. Кўп погонали тизимили таҳлил. Кичик тизимдан катта тизимларга. Тизим таҳлилининг алгоритмик формуласи Тизимни кўп боскичли таҳлили.

Тизимли таҳлилнинг иккинчи боскичи. Тизим ва жараёнларни математик моделлаштириш асослари ҳакида. Моделлаштиришга кўйиладиган талаблар. Жараён ва тизимларни математик ва компьютерли моделлаштириш усуллари. Аналитик ҳамда статистик усулларда моделларни шакллантириш. Экспериментни режалаштириш ҳакида. Нейрон тўрлари.

Тизимли таҳлилнинг учинчи боскичи. Оптимал ечим ҳакидаги масаланинг кўйилиши. Ечим топиш мезонини танлаш. Ечим топишнинг услублари. Карор қабул қилиш ҳакида.

Биотехнология соҳаларида тизимли таҳлил, моделлаштириш ва карор қабул қилинши амалга ошириш.

## **VI. Махсус фанлар**

### **6.1. Молекуляр биотехнология.**

Молекуляр-биотехнологик революция. Молекуляр биотехнологияда фойдаланиладиган биологик тизимлар. ДНК, РНК ва оксил синтези. Рекомбинант ДНКлар технологияси. ДНКнинг кимёвий синтези, нуклеотид изчилигини аниклаш ва амплификацияси. Прокариот тизимларда клонланган генлар экспрессиясини оптималлаштириш. Молекуляр диагностика. Тижорат махсулотлари олиш учун рекомбинант микроорганизмлардан фойдаланиш. Ўсимликлар ген мухандислиги: усуллари ва кўлланилиши. Трансген хайвонлар. Одам молекуляр генетикиси ва ген терапия. Ўсимлик хужайралари культураси. Ўсимликларни клонли микрокўпайтириш принциплари. Ўсимлик хужайралари мухандислиги. Хайвон хужайралари культураси. Озиқа мухити, культуралаш шароити ва хужайраларни культуралаш тизимлари. Одам хужайраси культураси. Гибридомалар олиш. Хужайра тизимлари банки. Ядролар трансплантацияси. Хайвонларни клонлаш тарихи ва усуллари. Химерлар яратиш усуллари. Хайвон хужайралари мухандислигига биоэтика. Биотехнологик усулларни кўллашни назорат килиш ва биотехнологик ихтироларни патентлаш.

### **6.2. Саноат биотехнологияси.**

Саноат биотехнологиясининг илмий асослари. Саноат биотехнологиясида намунавий ишлаб чиқариш технологияси. Продуцентлар учун озука мухити, ўстириш ва саклаш шароитлари. Озука ачиткиси ишлаб чиқариш технологияси. Оксилли ва витаминылди препаратлар ишлаб чиқариш технологияси. Липидлар ишлаб чиқариш технологияси. Ферментлар ишлаб чиқариш технологияси. Антибиотиклар ишлаб чиқариш технологияси. Энтомопатоген биопрепаратлар олиш технологияси. Ишлаб чиқариш шароитида фаглар ва уларга карши курашиш. Сув ўтлари асосидаги ишлаб чиқариш технологиялари.

### **6.3. Экологик биотехнология.**

Экологик биотехнологиянинг ишлаб чиқариш ва иктисодиётдаги тутган ўрни. Экологик биотехнология обьектлари ва махсулотлари. Қишлоқ хўжалик колдик махсулотларини қайта ишлаш ва иккиласмчи махсулотлар олиш. Шахар майший чиқиндиларини қайта ишлаш ва иккиласмчи махсулотлар олиш. Биогаз ишлаб чиқариш технологияси. Биоёқилғи ишлаб чиқариш технологияси. Оқова сувларни тозалаш технологияси.

## **VII. Педагогик амалиёт**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очик маъruzалар ва амалий машгулотлар ўtkазиш, ўтилган дарсларнинг мухокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган холда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиккан холда олий таълим муассасаларининг тегишли профиль кафедраларида ташкил этилади.

**Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича қўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўкув модуллари доирасидаги ижодий топшириклар, кейслар, ўкув лойихалари, технологик жараёнлар билан боғлик вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган холда ўтказилади. Бундан ташкари, мустакил холда ўкув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

**Мустакил таълимни ташкил этишининг шакли ва мазмуни**

Мустакил таълим тегишли ўкув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириклар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши (ложиха иши)ни тайёрлайди.

Битирув иши (ложиха иши) талаблари доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс берәтган фани бўйича электрон ўкув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўкув модулларининг тақдимоти куйидаги таркибий кисмлардан иборат бўлади:

кейслар банки;

мавзулар бўйича тақдимотлар;

бошқа материаллар (фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи кўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошк.).

Электрон ўкув модулларини тайёрлашда куйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия килинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;

- соҳа тараккиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;

- мутахассислик фанларидағи инновациялардан ҳамда илгор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустакил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўкув-методик ресурсларини “Электрон потрфолио” тизимиға киритиб бориши лозим.

**Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўкув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедия маҳсулотлари ва бошқа электрон ва когоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

## **Адабиётлар**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон хаёт пировард максадимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
2. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: “Маънавият”, 2008.-176 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Т.: “Ўзбекистон”, 2011. - 440 б.
5. Каримов И.А. Она юртимиз баҳти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.

### **II. Норматив-хуқуқий хужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим - тарбия ва қадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида”ги 1997 йил 6 октябрдаги №1869-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чикиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 1998 йил 5 январдаги 5-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўкув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 1998 йил 5 январдаги 4-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2001 йил 16 августдаги 343 -сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Олий ўкув юртлари талабаларига стипендиялар тўлаш тартиби ва микдорлари тўғрисида”ги 2001 йил 17 августдаги 344 -сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 1 марта даги “Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 100-сонли Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга кабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 2006 йил 10 февралдаги 20-сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог қадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тикилаш ва ўқишдан

четлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқлаш хусусидаги 2010 йил 18 июнданги 118-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2010 йил 28 июлдаги 4232-сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юкори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2011 йил 20 майдаги 1533-сонли Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2012 йил 24 июлдаги 4456-сонли Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низоми 2012 йил 18 октябрдаги 297-сонли Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Олий ўкув юритидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни тайёрлаш аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги “Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 371-сон Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Махкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш хакида”ги 3-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2015 йил 2 марта даги “Магистратура тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 36-сонли Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4732-сонли Фармони.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириши ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли Қарори.

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2015 йил 10 январдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш

тўғрисида» 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида”ги 3-сон Қарори.

### III. Махсус адабиётлар

1. Олимов Қ.Т. Педагогик технологиялар. Фан ва технология. 2011. 275 б.
2. Ходиев Б.Ю., Голиш Л.В., Рихсимбоев О.К. Кейс-стади “Иктисолий ўкув юртидаги замонавий таълим технологияси”: Илмий-услубий кўлланма (“Замонавий таълим технологиялари” туркуми). – Т.: ТДИУ, 2009. – 150 б.
3. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000. – 218 б.
4. Нишонов А.Х. ва бошкалар. Таълима эркин ва очик кодли дастурий таъминотлар, Ахборот технологиялари ва телекоммуникация муаммолари, республика илмий-техник конференцияси. Тошкент, 2012. 121-123 б.
5. Сабирова Д.А. Мультимедийные системы и технологии. Учебное пособие. - Т: ТГЭУ, 2012.
6. Сабирова Д.А. Мультимедиа тизимлари ва технологиялари. Ўкув кўлланма. - Т: ТГЭУ, 2013.
7. Абдуходиров А.А., Пардаев А.Х. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. – Т. Фан, 2009.
8. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик махорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
9. Alimjanova D.I., Aliyev I.T. Kimyo va oziq-ovqat texnologiyasiga oid fanlarni o'qitishda innovatsion pedagogik texnologiyalar. Т.: "Iqtisod-Moliya". 2015. – 278 б.
10. Давронов Қ. Биотехнология, илмий, амалий ва услубий асослари. Тошкент. “Патент пресс” нашриёти. 2008. 504 б.
11. Артыков А. Компьютерные методы анализа и синтеза химико-технологических систем. Учебник. «VORIS-NASHRIYOT». Ташкент. 2012. 160 с.
12. Артыков А. Компьютерные методы анализа и синтеза химико-технологических систем. Учебник. “SPECTRUM SCOPT”. Ташкент. 2012. 208 с.
13. Артыков А. Мухандистик технологиясида таҳлил, компьютерли моделлештириш ва оптимал ечим топиш. Дарслик. “SPECTRUM, SCOPE”. Тошкент. 2013. 216 б.
14. Давронов Қ. Саноат микробиологияси. Тошкент Фан ва тараккиёт нашриёти. 2013. 329 б.
15. Давронов Қ., Аликулов Б.С. Нанобиотехнология асослари. Фан ва тараккиёт нашриёти. 2015. 304 б.
16. Исмаилов А.А., Жалалов Ж.Ж., Саттаров Т.К., Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўкув-услубий мажмуя. Basic User/ Breakthrough Level A1. -Т.: 2011. 182 б.
17. Ишмуҳамедов Р., Абдуходиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истебод” жамғармаси, 2009. 160 б.

18. Ишмуҳамедов Р., Абдукодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истебод” жамғармаси, 2008. 180 б.
19. Махмудов И.И. Бошқарув профессионализми: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. 154 б.
20. Махмудов И.И. Бошқарув психологияси. – Т.: 2006. 230 б.
21. Самаров Р. (хаммуалифликда) Сиёсий матн таҳлили (методология, назария, амалиёт). - Тошкент: Akademiya, 2010. 170 б.
22. Самаров Р. Ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлаш механизми (услубий кўлланма). – Тошкент: Университет, 2015. 95 б.
23. Саттаров Э. Алимов Х. Бошқарув мулокоти. – Т.: “Академия”, 2003. 70 б.
24. Артыков А. Компьютерные методы анализа и синтеза химико-технологических систем. Учебник. «VORIS-NASHRIYOT». Ташкент – 2012. 160 с.
25. Артыков А. Компьютерные методы анализа и синтеза химико-технологических систем. Учебник. “SPECTRUM SCOPT”. Ташкент. 2012. 208 с.
26. Артиков А. Мухандистик технологиясида таҳлил, компьютерли моделлештириш ва оптимал ечим топиш. Дарслик. Тошкент. “SPECTRUM SCOPE”. 2013. 216 б.
27. Топилдиев В. Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишнинг меъёрий-хуқуқий асослари. - Тошкент: “Университет”. 2015. 245б.
28. Dafius M. Dziuda/ Data mining for genomics and proteomics. Canada, 2010. ps-306
29. DUET-Development of Uzbekistan English Teachers\*- 2-том. CD ва DVD материаллари, Тошкент.: 2008.
30. Michael McCarthy “English Vocabulary in use”. Cambridge University Press, 1999, Presented by British Council.
31. Rediscovering Biology Online Textbook. Unit 2. Proteins and Proteomics. 1997. 2006.
32. Systems Thinking: Managing Chaos and Complexity, Jamshid Gharajedaghi, Butterworth Heinemann, Oxford, 1999.
33. Twyman RM (2004). Principles of Proteomics (Advanced Text Series). Oxford, UK: BIOS Scientific Publishers. ISBN 1-85996-273-4.
34. W. Dubitzky, M. Granzow, D/ Berrar/Fundamentals of data mining in genomics and proteomics. New York, USA, 2007, ph -275.

#### **IV. Электрон таълим ресурслари**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси: [www.aci.uz](http://www.aci.uz).
3. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш: [www.ictcouncil.gov.uz](http://www.ictcouncil.gov.uz).
4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz).
5. Ўзбекистон Миллий университети: [www.uzmu.uz](http://www.uzmu.uz).
6. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)
7. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)

**ИШЛАВ ЧИКИЛДАН**

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар  
кафларни кайташтирлашва уларнинг  
малакасини оширишин ташкил этиш  
Бош йилмий-методик маркази

Директор У. Ш. Бегимкулов

“ ” 201 й.

м.ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
Олий таълим муассасалари Бош  
бошкармаси

Бошкарма бошлиги И. У. Мажидов

201 й.

“ ”

Тошкент кимё-технология институти  
хузуридаги педагог кадларни кайташтириш  
ишини ошириш

тармок маркази

Директор С. М. Туробжонов

“ ” 201 й.

м.ў.

Тошкент кимё-технология институти  
хузуридаги педагог кадларни кайташтириш  
ишини ошириш

тармок маркази

Директор Х. Ч. Мирзакупов

“ ” 201 й.

м.ў.